Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 5 апрель, шанба • № 28 (10.906) • Эркин нархда сотилади

ЭЛЛАДА ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март — 2 апрель кунлари давлат ташрифи билан Греция Республикасида бўлди.

Биз Грециянн яхши биламиз. Дунё, хусусан, Ғарбий Европа тарихини Эллада маданияти ва санъати, қадимги дунё адабиётини эллинлар хаёлоти парвозидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Ғайри дунё эса ҳамиша жозибадор бўлган, шу боис биз Эллада ҳақида кўп нарса билишга интилганмиз ва интиляпмиз. Зотан, Европа ва Осиё кишилари дунёқарашидаги икки қутбни айнан Эллада — қадимги Греция маданиятида кўриш мумкин. Осиёда барча интилишлар ва ҳиссиётлар ботиний бўлса, Грекларда зоҳирий, яъни улар ташқи гўзалликларга ошуфта эдилар. Қадимги грекларнинг худоси ҳам сизу бизга хос бўлган барча инсоний хислатларга эга одамлар сифатида тасвирланган бежиз бўлмаса керак. Шарқ файласуфлари «қадимги Греция овози билан гапириб юборган европалик»ларнинг ғоят амалиётчи бўлганини бевосита ушбу тарихий омил билан боғлайдилар.

Мана шундай кўҳна тарих ва бой маданиятга эга Греция билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар ибтидоси ҳам аслида жуда қадимга бориб тақалади. Жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган Греция бугунги кунда Европа Иттифоқи, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги, НАТО каби ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Қолаверса, Греция Болқондаги барқарор давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, Европа Иттифоқи, шу орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидан борар экан, бунда албатта, мамлакатимизнинг Греция билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлатга ташрифи аввало, ана шу мақсадларга қаратилган эди.

Ўз навбатида Греция ҳам Марказий Осиёда қулай жўғрофий маконга эга, сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат бўлмиш Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар томонлама манфаатдор. Греция Президенти Константинос Стефанопулос шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи ўз аҳамияти жиҳатидан беқиёс эканини айтди. Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг Афинадаги Президент саройида бўлиб ўтган суҳбати чоғида Ўзбекистон — Греция алоқаларини янги ривожланиш босқичига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

— Бугун қадим тарихий алоқаларга эга давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни самарали тус олдириш учун имконият туғилди, — деди Президент Константинос Стефанопулос. — Ўзбекистоннинг минтақадаги қулай вазияти, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришаётган ютуқлари ва ниҳоят барқарорлиги грек ишбилармонлари учун бу мамлакатда самарали ишлаш имкониятини яратади. Бизнинг Ўзбекистон билан ўрнатган алоқаларимиз Ғарб ва Шарқни бирлаштирувчи кўприк бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Президент Ислом Каримов Грециянинг Болқон минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи тобора ошиб бораётганини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама алоқаларни ривож топтиришдан ташқари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам ҳар икки томон манфаатига тўла мос тушишини таъкидлади. Мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий соҳаларидаги алоқаларини равнақ топтириш борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд, деди Ўзбекистон раҳбари.

Дарҳақиқат, Грециядa қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат, сайёҳлик инфраструктураси яхши ривожланган. Бундан ташқари, Греция Европадаги энг йирик бандаргоҳ ва дунёдаги энг улкан савдо флотларидан бирига эга. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида Грециянинг илғор технологияларидан фойдаланиш, жумладан, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида қўшма корхоналар барпо этиш ғоят аҳамиятлидир. Биргина сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик кўламига назар ташлаш орқали ҳали фойдаланилмаган имкониятлар даражасини кўриш мумкин. Маълумки, Грецияга ҳар йили қарийб мамлакат аҳолиси сонига тенг — 10 миллионга яқин сайёҳ ташриф буюради ва табиийки, мамлакатда уларга хизмат кўрсатиш борасида улкан тажриба тўпланган. Ўтган йили Греция сайёҳликдан 4,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган. Шубҳасиз, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликларга янада кўпроқ сайёҳларни жалб этиш орқали Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантириш имконияти катта. Шу маънода, Греция билан сайёҳлик инфраструктурасини яратиш, мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш истиқболи порлоқдир.

Ўзбекистон раҳбарининг Греция Президенти, сўнг мамлакат Бош вазири Константин Симитис билан бўлган музокаралари чоғида ана шу ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Константин Симитис музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Ташриф давомида Греция жамоатчилиги ва матбуоти ҳам мазкур шартноманинг нечоғли муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Греция ўртасида мулк ва фойдадан икки томонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги конвенция, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодий ва технологик ҳамкорлик, маориф, фан ва маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, ҳар икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги протокол имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон ва Греция ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари А. Комилов ва Т. Пангалос имзолади.

Маросимдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов икки мамлакат халқлари алоқалари Марказий Осиёда барпо этилган Баҳтрия давлати давридан бошланишини таъкидлади. «Грециядаги фуқаролар уруши пайтида ўн минглаб греклар Ўзбекистондан бошпана топди. Айни пайтда ҳам юртимизда 10 минг нафарга яқин грек яшайди. Буларнинг бари халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим омил сифатида хизмат қилади», деди жумладан Ислом Каримов. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ўтказилган музокараларда икки томонлама, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилгани ҳамда имзоланган мазкур ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янги поғонага кўтаришини таъкидлади.

Греция Бош вазири К. Симитис Ўзбекистон Президентининг ташрифи икки томонлама алоқалар ривожига янги куч бағишлаганини таъкидлади. Греция Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи муҳим бўғин бўлиб қолишни истар экан, биз Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш тарафдоримиз, деди у.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Греция вазирликлари, муассасалари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорликка оид турли келишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Греция ташқи савдо вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, мамлакатимизнинг мазкур вазирлиги билан Греция денгиз савдо флоти ўртасида ўзаро англашувлар протоколи имзоланди. Шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Грециянинг «Амфитрион», «Платинитревел» ҳамда «Лелакис груп» сайёҳлик фирмалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга қўл қўйилди.

Афинадаги «Элаис» ҳиссадорлик жамияти нафақат Грецияда, балки Ғарбий Европадаги зайтун ва бошқа ўсимлик ёғлари, маргарин ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналардан биридир. 1920 йили қурилган ушбу завод иккинчи жаҳон урушида вайрон этилганидан кейин тез орада қайта тикланиб, мамлакат аҳолисига ўта зарур бўлган зайтун мойи ва маргаринлар етказиб бера бошлади. Урушдан кейин оч-ночор қолган аҳолига витаминларга бой зайтун мойи қанчалик зарур бўлган бўлса, греклар учун ушбу завод ҳам шунчалик қадрли бўлиб қолди. Кейинчалик завод Ғарбий Европанинг трансмиллий компанияси — «Юнилевер Х. Б.» ҳамкорлигида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманида босқичма-босқич ўтаётган мусиқа ва қўшиқ байрами кўрик-танлови ниҳоясига етди.

Ҳакамлар ҳайъатига бу сафар осон бўлмади. Сўнгги поғонага чиққан бадиий дасталар, якка хонандалар орасидан голибларни аниқлаш керак эди. Туман халқ таълими ва маданият бўлимлари ҳамкорликда ўтказган бу кўрикда биринчи ўрин ҳеч кимга насиб этмади. Туман маданият уйи қошидаги Баҳринисо Пардаҳўжаева бошлиқ «Муножот» бадиий дастаси ҳамда якка хонанда Суннат Исмоиловлар иккинчи ўринни, Саксонота қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги клуб бадиий дастаси аъзоси Шолқор Ўтарбоев,туман болалар ва ўсмирлар ижодий маркази ходими Чинор Ўринқулова, 28-мактаб 1-синф ўқувчиси Жабира Қодирова, «Дўстлик» ҳиссадорлик жамияти корейс миллий фольклор, 3-ўрта мактаб дуторчи қизлар бадиий дасталари учинчи ўринни эгалладилар ва пул мукофотларига сазовор бўлдилар.

Иномжон ХОЛТУРСУНОВ.

ЕТТОВЛОН «КУРАШ» ТУШДИ...

ЎРТАЧИРЧИҚДА «Нуроний» ва «Экосан» жамғармалари туман бўлими ҳомийлигида ўзгача танлов бўлди.

Унда туман ижтимоий таъминот бўлимининг 7 нафар ходимаси беллашди. Ватанимиз тарихи, одоб-ахлоқ, санъат ва касбга доир саволларга бекам-кўст жавоб берган Маҳлиё Авелова, Муножат Эрматовалар биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Қутбихон Эгамбердиева ҳамда Гулзамира Тўрақуловалар иккинчи ўринни эгаллашди.

Голиблар қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Танлов «Йилнинг энг яхши ижтимоий хизматчиси» деб аталди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

МАЪНАВИЙ ГУРУНГ

...ТОШКЕНТ вилояти муаллимлар малакасини ошириш институти жамоатчилиги ва кўп сонли ўқитувчи — тингловчилар таниқли исломшунос олим Убайдулла Уватов билан учрашув ўтказишди. Ижтимоий фанлар кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу учрашув мактабларда ўқувчиларнинг маънавий тарбияси мавзуига бағишланди.

— Мактабларимиз олдида турган долзарб масала ўғил-қизларимизни бутун ҳаётлари давомида ҳалол яшаш ва меҳнат қилиш руҳида тарбиялаш бўлмоғи лозим. Бунинг учун биз узоқ ўтмишимиз, Ватанга меҳр, миллий ғурурни ўргатишимиз, буюк бобокалонларимиз қолдирган бебаҳо маънавий-маданий хазинамизга тез-тез мурожаат қилиб туришимиз керак бўлади, — деди У. Уватов суҳбат сўнггида.

Учрашув давомида олимнинг алломаларимиз Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ат-Тарозий, Аз-Замахшарий, Ан-Насафийлар ҳақидаги ғоят қизиқарли ва мазмундор ҳикоялари қатнашчиларда зўр қизиқиш уйғотди. Тингловчилар иймон, эътиқод, миллий қадриятлар каби масалалар бўйича суҳбат соҳибидан батафсил жавоб олдилар.

М. ИСҲОҚОВ.

«ИСТИҚЛОЛ НУРИ» — 20 ЁШДА

ТОШКЕНТ туманида маънавият ва маърифат ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Туман газетаси «Истиқлол нури»нинг бу йилги адади 6200 тага етгани шундан далолатдир.

Куни кеча ушбу газета ташкил топганининг 20 йиллиги нишонланди. Туман ҳокими Акбарали Йўлчиев газетанинг барча ходимлари, жамоатчи мухбирларини ушбу сана билан муборакбод этиб, эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Зангиота туман босмахонаси, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Тошкент» студияси, Қибрай туман «Даврон овози» газетаси, туман «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилот раҳбарлари ҳам газетанинг босиб ўтган йўли, ютуқлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманга шоир Тўхтамурод Деҳқоний, Маҳмуда Зоирхон қизи, Нусратуллох Каримжон ўғ ғазаллари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров ҳамда Зокир Юсупов раҳбарлигидаги туман ашула ва рақс дастаси дилрабо қўшиқлари билан йиғилганларни мамнун этдилар.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

НОДИРА — ҒОЛИБ

Шаҳар маданият уйида янгийўллик ҳамшираларо кўрик-танлови бўлиб ўтди. Қатнашчилар касб маҳорати бўйича баҳслашибгина қолмай, оила ва турмуш, билим ва ҳунар бобида ҳам неларга қодир эканликларини намойиш этдилар.

Шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Нодира Ўрмонова кўрик ҳайъатининг энг юқори баҳосига сазовор бўлди ва «Ҳамшира—97» вилоят кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Болалар поликлиникаси ҳамшираси Наргиза Аскарова — иккинчи, шаҳар марказий шифохонаси туғруқхона бўлими ҳамшираси Азиза Акбарова — учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Голиблар Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси шаҳар бўлими ва ҳомийларнинг ёрлиқлари ҳамда совғалари билан тақдирландилар.

Акбар УМИРОВ.

1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

«...Ислоҳотлар халққа нима бериши муҳимдир. Кишилар ҳаётида яхшилик томон қандай ўзгаришлар бўлиши, уларнинг ҳаёти қанчалик тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини нақадар чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлиши муҳимдир».

...Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб маъзини чақар эканмиз, республика Президентининг юқоридаги сўзлари ниҳоятда асосли эканлигига тан берамиз. Ўзбекистонда аввал бошданоқ инсон тўғрисида ғамхўрлик — кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик жамиятни қарор топтириш устивор масала қилиб қўйилди. Босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ана шунга қаратилди. 1997 йил бу борада том маънода туб ўзгаришлар йили бўлмоқда.

1997 йилнинг инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши фақат шиоргина бўлиб қолмади, балки, ҳукуматнинг махсус қарор ва дастури билан амалий аҳамият касб этди. Ана шундай дастур вилоятимизда ҳам ишлаб чиқилди ва вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланди. Ушбу дастурнинг ҳам кўлами жуда кенг бўлиб, унда инсон манфаатларини таъминлаш борасида йил давомида қилинадиган барча чора-тадбирлар ўз ифодасини топди.

Дастурнинг энг муҳим жиҳатлари шундаки, унда белгиланган тадбирларнинг ижро муддати, масъул бўлим ва бошқармалар, ҳокимлик ва идоралар аниқ кўрсатиб қўйилди. Уларнинг ижроси ҳар чорак якуни бўйича назорат қилиб борилади.

Хусусан, ана шу дастурга мувофиқ 1997 йилда вилоят ҳудудида 370 минг квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 300 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилиши лозим. 3280 ўринли мактаблар, 120 ўринли шифохона, 500 қишини қабул қилувчи поликлиникалар барпо этилади. 563 километр газ тармоқлари, 104 километрдан ортиқ сув қувурлари ишга туширилади. Булардан ташқари, қишлоқ жойларида тиббий хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш мақсадида 25 та янги шифо масканларини жиҳозлаш, аҳолини дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашда туб ўзгаришлар қилиш белгиланди. Аҳолининг санаторийлар ва пансионатларда, дам олиш уйларида саломатликларини тиклаш учун 43 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилди.

Айтиш мумкинки ҳозирдаёқ аҳолига савдо, маиший, алоқа хизматлари кўрсатишни яхшилаш, янги иш жойларини барпо этиш юзасидан катта ҳажмдаги ишлар бошланди. Йил охиригача 78 та маиший хизмат объекти, 35 минг янги иш жойи, 500 та телефон рақамига эга бўлган янги АТСларнинг барпо этилиши бунинг исботидир.

Давлат ёрдамига муҳтож оилалар ва кишилар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, айниқса, соғлом авлодни вояга етказиш йўлида белгиланган тадбирлар алоҳида диққатга сазовордир. Дастурдан маданият, маънавият масалалари, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини такомиллаштириш, таълим-тарбия, маърифий ишларни ривожлантириш ҳам кенг ўрин олган.

Албатта, белгиланган тадбирлар қанчалик хайрли бўлмасин, уларнинг бажарилишини таъминлаш учун ҳар биримиз масъулиятни ҳис қилган ҳолда меҳнат қилишимиз керак бўлади. Шундай экан, эзгу мақсадлар — инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ишлардан ҳеч ким четда қолмасин.

Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

СИЁСИЙ «ЎЙИНЛАР» ҚАЧОНГАЧА?..

БИЗНИНГ ШАРҲ

МАЪЛУМКИ, шу йил 28 март куни Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Аввало, баъзи бировлар бунга «МДҲ тузилганлигининг беш йиллиги» шиори остида тантанаворлик руҳи бағишламоқчи бўлдилар. Лекин, учрашувнинг дастлабки соатлариданоқ гап-сўзлар бошқача йўналиш касб этди. Жумладан, Украина президенти Л. Кучма, Озарбайжон раҳбари Ҳ. Алиев, Арманистон давлати бошлиғи Л. Тер-Петросян, Молдово президенти П. Лучинскийларнинг баёнотлари «бир ёқадан бош чиқариш» андозасини бузиб қўйди. Улар МДҲ доирасида сўнгги йилларда қабул қилинган мингга яқин ҳужжатларнинг ишлаётганлиги, ҳамдўстликнинг ўзи аслида ҳаракатсиз бир «қўғирчоқ»ка айланиб қолаётганлиги, аъзо баъзи давлатлар ҳудудларида ечимини топмаётган бахсли муаммоларнинг кўпайиб бораётганлиги, сиёсий ва иқтисодий муносабатларда найрангбозлик, нохолислик, орқаворотдан иш тутишлик ҳолатлари учраётганлиги борасидаги фикр-мулоҳазаларни дангал айтдилар. Оқибатда, МДҲ айрим блокларга бўлиниб кетяпти, ҳамдўстлик ўз имкониятларини сарфлаб бўлди, энди икки томонлама муносабатларга ўтиш керак эмасмикин, деган таъна ва таклифлар айтилди.

Бундай фикр-мулоҳазаларда жон бор эди. Тоғли Қорабоғ, Абхазия, Днестр бўйи, Тожикистон воқеалари, Қора денгиз флоти, Севастополь, Крим можаролари, собиқ СССРни тиклашга уринишлар, Евроосиё, «Иккилик», «Тўртлик» сингари иттифоқлар тузиш ғоялари юқоридаги ташвишларнинг яққол исботи эди. Бироқ, кенгаш мажлисининг якунловчи босқичида баайни юқоридаги қусриётларни кўришни истамаётган баъзи бир давлат раҳбарлари ҳамма нарсани андавалаб, силлиқлаб кетишга уриндилар ва «МДҲ ичидаги интеграцияни замонанинг ўзи талаб қиляпти, шу боис келажакда бирга яшашимиз керак» деган сийқа ақидани ўртага ташлаб, иштирокчиларни «аллаламоқчи» бўлдилар.

Бундай «сиёсий ўйинлар»ни аввал бошданоқ ҳушёрлик билан кузатиб ке-

(Давоми 3-бетда).

Бу сонда

«БОЙҚОЗОН» ЙЎЛИ

Амалга оширилган ислоҳотлар туфайли, корпорацияда ўтган йили умумий даромад 80 миллион сўмни, соф фойда эса 11 миллион сўмни ташкил этди...

2-БЕТ

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Россия ва Белорусь ҳамжамиятдан иттифоққа айланди. У нима беради? Бу воқеага муносабатлар турлича бўлмоқда.

3-БЕТ



Митти ёқутчалар

Кимки яхшилик йўлида уринсаю, бироқ бирорта ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган ном ололмайди.

4-БЕТ

«БОЙҚОЗОН» ЙЎЛИ

Ислоҳот одимлари

«Бойқозон» корпорацияси марказга яқин жойлашганлиги учун унинг йилдан-йилга очилиб бораётган жамоли ҳам Паркент шаҳри чиройи билан ҳамоҳанг бўлиб кетган. Хўжалик бозор иқтисодиёти шароитида ислоҳотлар йўлидан боришни янада равнақ топишдаги энг тўғри йўл деб ҳисоблади. У 1995 йилда иқтисодий шарт-шароити, меҳнаткашларнинг ерга оқилона муносабатидан келиб чиқиб корпорацияга айланди.

Мулк шаклини бу тарзда ўзгартиришдан мақсад: одил рақобатни йўлга қўйиш, ҳар бир деҳқон, чорвадор, боғбонда мулк соҳиби бўлишдек масъулиятни кучайтириш, мўл ва сифатли маҳсулот етиштириб, фаровонликни таъминлашдан иборат эди. Ана шу талабларни қаноатлантирадиган тузилмани шакллантириш учун бошқарув аъзолари анча изландилар. Ўша пайтларда вилоятда мавжуд бўлган корпорациялар тажрибасини чуқур ўрганиб, ниҳоят деҳқончилик, боғдорчилик, ғаллачилик ва озуқа жамғариш, чорвачилик, моддий-техника таъминоти, кичик корхоналар ва маданий ҳамда маиший хизмат уюшмаларидан иборат корпорация ташкил этилди. Ана шу уюшмалар бағрида агрофирмалар, яъни эскича атганда бригадалар фаолият кўрсата бошлади. Аммо бу агрофирмаларнинг ҳуқуқи бригаданикидан тўбдан фарқ қилиши одамларга тушунтирилди. Улар етиштирган маҳсулотларнинг сифатини албатта таъминлаган ҳолда, давлатга топшириладиган қисмидан ортиқчасини эркин нархда сотиш имкониятига эга эканликларини билиб олдилар. Бундай шартлар корпорация бошқаруви билан деҳқон ўртасида тузилган шартномада ўз ифодасини топди.

— Рақобат ривожланишни таъминлашдаги катта куч экан — дейди корпорация раҳбари Тоҳир Холтоев, — янгича мулк шаклига ўтган йилимизнинг ўзидаёқ уюшмалар раҳбарлари Б. Мирашуров (айни пайтда раис муовини ҳам), М. Шарипов, Х. Турғунов, Ў. Исломов, А. Алматов, Ў. Нишоновлар орасида беғараз мусобақа бошланиб кетди. Техника борасида биз ўзгача йўл тутдик. Кимга трактор, комбайн ёки экиш агрегати керак бўлса, моддий техника таъминоти уюшмаси билан шартнома тузади, фойдаланганлик учун соатбай ҳисобида ҳисоб-китоб юритади. Бу билан техниканинг жойларда беҳуда туриб қолмаслиги, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, бир иш учун қайта-қайта техникага мурожаат қилавермаслик, ишни бир йўла сифатли бажариш таъминланди.

***Корпорацияда жорий қилинган янгиликлар самарасини биринчи навбатда ер ва ундан самарали фойдаланишга қаратилган эди. Ер ва ундан самарали фойдаланишга эса ер ва ундан самарали фойдаланишга эса ер ва ундан самарали фойдаланишга эса

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● ТОШКЕНТДА гиёҳвандликка қарши кураш бўйича халқаро семинар бўлиб ўтди.

● ОЛМОНИЯДА Ўзбекистон маданияти кунлари давом этди. Ушбу тантаналар доирасида Бонн шаҳрида ўзбек рассомларининг кўргазмаси очилди. Фарғона қўғирчоқ театри «Минг бир кеча» эртаклари асосида тайёрланган спектаклни немис тилида намойиш этди.

● КАМПУЧИЯ пойтахти Пномпенда Кхмер миллий партияси парламент олдида намойиш ўтказаётганда кучли портлаш юз берди. Юздан ошиқ киши халок бўлди, 200 дан зиёд одам жароҳатланди.

● ТУРКМАНИСТОН асосий қишлоқ хўжалиги машиналарини АҚШдан ола бошлади. Шу тариқа Россия Марказий Осиёдаги ўзининг иқтисодий бозорини йўқотмокда.

● ҚИРҒИЗИСТОННИНГ Қумтор деган худудида олтин конини ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Хорижий мамлакатлар билан биргаликда бунёд этилган корхонада «сариқ металл» нинг дастлабки қуйилмалари олинди.

● ИСПАНИЯНИНГ Помплана шаҳри яқинида тезликни меёридан оширган йўловчилар поезди ҳалокатга учради. Ўлганлар ва жароҳат олганлар сони 150 нафардан ошиб кетди.

● ЧЕЧЕНИСТОНГА келган Россия хавфсизлик қўмитаси котиби И. Рибкин икки мамлакат ўртасида тузиладиган тинчлик шартномаси матнини ислоҳ қилишга уриниб кўрди. Бироқ, Ичкерия республикаси бош вазирининг биринчи ўринбосари М. Удугов бундай ҳатти-ҳаракатлар мазкур ҳужжатни йўққа чиқариши мумкин, деб қатъий норозилик билдирди.

СИЁСИЙ «ЎЙИНЛАР» ҚАЧОНГАЧА?..

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаётган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов яна бир мантиқли чиқиш қилди. У ўтган йил мартида Хоразм вилояти кенгаши сессиясида, ўша йил июлида дипломатик корпус ҳамда Тошкентда ишлаётган хорижлик журналистлар билан бўлган учрашувларда айтган гапларини яна бир карра тасдиқлаб, МДҲдаги вазият юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этди. Давлатимиз бошлиғининг далиллари, жумладан, мана бундай бўлди. Биринчидан, МДҲга аъзолик бирон-бир давлатнинг суверенитетига заррача раҳна солмаслиги керак. Иккинчидан, ҳамдўстликка аъзо давлат — хоҳ у катта, хоҳ у кичик бўлсин, — бировга ўз қарашларини тиқиштиришга, айниқса, тазйиқ ўтказишга йўл қўймаслиги лозим. Шу маънода ҳамдўстлик доирасида давлатлардан юқори турадиган тузилмалар ташкил этиш мутлақо ўринсиздир. Зеро, улар бора-бора бошқаларга ўз хоҳиш-иродасини амалга оширтирадиган воситага айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Учинчидан, ҳамдўстлик фаолиятида қабул қилинадиган дастур ва концепцияларнинг қайсиларида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир аъзо давлатнинг ўз ихтиёрида бўлмоғи зарур.

Юртбошимиз юқоридаги фикрларни яна бир бор таъкидлаб, шундай деди: «Аввалам бор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги конфедерация эмаслигини эсдан чиқармаслик керак. Яъни, ҳар бир ишда унинг мақомига амал қилиш зарур. Бу борада бошқа ҳар хил ҳавойи орзу-умидларга берилиш ярамайди». Жараёнларни ғайритабиий тезлаштириш — девальвацияга яъни тескари оқибатларга олиб келиши мумкин, деб огоҳлантирди Ўзбекистон Президенти.

Ҳа, оқил гапларга қулоқ солмаслик, келажакда ўзга бир мақсадларни кўзловчи саъи-ҳаракатлар қилишлик, дил бошқа-ю, тил бошқа қабилида иш тутишлик «сиёсий ўйин»дан бошқа нарса эмас. Ахир, жаҳон микёсидаги халқаро ташкилотлар, уюшмаларнинг биронтасида ҳам бундай «тажриба» кўзга ташланмайди. Оврупо Иттифоқи, дунёдаги ривожланган етти давлат иттифоқи, Оврупода Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, қолаверса, НАТО, БМТ фаолиятида бир ёҳуд бир неча давлат ана шундай бемаслаҳат, бошқалардан бекитиқча ҳатти-ҳаракат қилиб кўрсин-чи? Дарҳол жанжал кўтарилади, у қораланади. МДҲ доирасида эса бундай бўлмаяпти.

Шу ўринда «Труд» газетасининг 1997 йил 6 март сонида чоп этилган «Ҳуқуқ майдонининг ҳосили» сарлавҳали мақолани эсга олайлик. Унинг муаллифи Юрий Лепский мақолада МДҲ қатнашчилари бўлган давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси хусусида сўз юритиб, ўзи билиб-билмай, анча нарсаларни ошкор қилиб қўйган эди. «Ассамблеяда... зимдан МДҲдаги барча давлатларни реал ҳамдўстликка бирлаштириш юзасидан тезкор ишлар олиб борилмоқда», «У ерда янги ҳуқуқ майдонини яратадиган, МДҲнинг барча аъзоларига тегишли, МДҲнинг барча давлатлари учун умумий бўлган моҳиятан янги тоифадаги қонунлар ишлаб чиқилмоқда» деб ёзди Ю. Лепский. Бундай қонунларни яратувчилар фикрича, «МДҲ республикалари ўзларининг ички қонунларини баайни ана шу яратилган моҳиятан янги қонунга мослаштиришлари, шундай қилиб, ўз қонунларини қўшнилар қонунлари билан омухта этиб, ягона қонун яратишлари» керак экан. МДҲ давлатлари парламентларига нисбатан «Парламентлараро Ассамблея мувaффақиятлироқ ва самаралироқ ишлаётган» эмиш. Мақола муаллифи «ягона қонун тайёр бўлганда нима учун ҳанузгача ҳар бир алоҳида давлат ўзларининг қонунларини ўшанга мослаштирадиган ҳужжатларни қабул қилмади», деб жиғибийрон бўлади. Яна бир гап. Буни қарангки, МДҲга аъзо айрим давлатлар парламентлари ижро ҳокимиятига нисбатан мухолифликда турган эмиш. Боз устига ҳамжамият давлатларидаги айрим сиёсатчилар «ўз хонадонлари» ва «экинзорлари»ни ташлаб чиқишга шошилишмаётган экан. Вақт сиёсатчиларни шошириши керак, деб тавсия берилади шарҳнинг ниҳоясида.

Бизда мақола кимларнингдир буюртмаси билан ёзилган, деган таассурот уйғотди.

Ўтган йил мартидаёқ Президент И. Каримов «Беларусь президенти Лукашенко ва Россия президенти Ельцин учрашиб, конфедерациями, федерациями ёки яна бошқа шаклдаги... собиқ СССРдан мустаҳкамроқ шаклда чуқур интеграция тўғрисидаги ҳужжатни имзоламоқчи бўлаётгани тўғрисидаги гаплар тарқалмоқда», деган эди. Буни қарангки, юртбошимиз айтганлари айнан тўғри чиқди.

Шу ҳафтанинг чоршанба куни Москвада Россия билан Беларусь иттифоқи тўғрисидаги шартнома катта даҳмазали бир вазиятда, ҳамду-санолар айтилиб, имзоланди. Ундаги «иттифоқ» сўзига эътибор қилинг. Бундай тушунча давлат тизилмалари қўшилувини, парламентлар муштараклигини, қонунлар бирхиллигини, фуқароликнинг ягоналигини, ҳарбий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги умумийлик принципларини ўз ичига олади. Энди нима бўлди? МДҲни қисмларга ажратиш йўлида қадам қўйилмадими?!

Қизиғи шу ердаки, мазкур шартномага қўл қўйилар-қўйилмас, Россияда ҳам, Беларусда ҳам, қолаверса, кўпгина хорижий давлатларда ҳам бу воқеага нисбатан турли муносабатларни англатувчи акс садолар янгради. Россия думасидаги қатор депутатлар бу мамлакатдаги демократияни хавф остига қўйди, дедилар. Беларусда эса Халқ фронти каби партиялар ва турли сиёсий оқимлар ўзларининг дарғазаблигини яширмаётирлар. АҚШ, Буюк Британия, Олмония каби давлатлардаги турли доиралар ҳам таассуф билдирдилар.

Нима бўлганда ҳам бизнинг тутган йўлимиз ўша-ўша. Президентимиз айтганидек, «Бундай шартномалар МДҲ доирасидаги ҳамкорликни барбод қилиши мумкинлигини унутмаслик ҳам керак». «Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Халқимиз ўз озодлигини муқаддас деб билади».

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● КУБАДА чиқадиган «Хувентуд ребельде» ҳамда Испаниянинг «АБС» ҳафтаномасида босилган мақолаларга қараганда Куба раҳбари Фидел Кастро Рус аёлларга бефарқ бўлмаган экан. Унинг аввалги аёли — Мирта Диас Баралтдан Кастро Диас исмли бир ўғли, кейинги хотини Натали Ревуэльтадан эса Алина Фернандес Ревуэльта исмли бир қиз борлигини ҳамма билади. Лекин, «темир доҳий»нинг бошқа фарзандлари ҳам бўлса керак, деган миш-мишлар юради. Чунки, у ёшликда жуда кўп хонимлар билан маҳфий алоқада бўлган, деб тахмин қилинаётир.

● УКРАИНАНИНГ Ровно шаҳрида йўловчилар троллейбус ва автобусларда бемалол юролмай қолдилар. Номаълум кимсалар тиқилинчда билдирмасдан аёлларнинг узун сочларини қирқиб олмоқдалар.

● АҚШдаги Калифорния вилоятининг Сан-Диего шаҳри ҳудудидаги ҳашаматли бинолардан бирида 39 кишининг мурдаси топилди. Полициячиларнинг тахмин қилишларича, диний мазҳаб одамлари ўзларини ўзлари қатл қилган бўлишлари мумкин.

● 1989 ЙИЛДА Лондондаги Шеффильд ўйингоҳининг нураши натижасида 95 киши ҳалок бўлиб, юзлаб одам жароҳат олган эди. Улар орасида ёш йигит Эндрю Дивайн ҳам бор бўлган. У ўша пайтда ўзидан кетганча, қайтиб хушига келмаган эди. Саккиз йил давомида у аввал шифохонада, сўнгра Ливерпулда ота-онаси уйида сақланди. 30 яшар Э. Дивайн яқинда ўзига келди. У атрофдагилар билан махсус тугмачали асбоб ёрдамида мулоқот қилмоқда.

● ОЛМОНИЯНИНГ «Спейс Тур ГМХБ» номли коинот бўйича саёҳат маҳкамаси вакили Хартмут Мюллер 2005-йилга бориб, фазога саёҳат қилиш бемалол бўлиб қолади, деб ҳисоблаётир. Ўшанда унинг гапларига қараганда, битта чиптанинг нархи 3,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент. Янги шаҳар».
9.05 «Қотиллик пайида». Бадиий фильм. 4-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Деҳқон бозори».
10.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». «Малика ва Шаҳзода».
11.05 «Алпомиш авлодлари». Эркин кураш бўйича чемпионат якунлари.
11.35 Жаҳон Саломатлик кунига. «Сиҳат-саломатлик».
11.55 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Оқ кема». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар клуби.
18.45 Дилнавоз садолар.
18.55 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур ғори. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 А. Орипов, М. Бафоев. «Ҳажнома». Оратория.
22.00 Катталар учун эртак.
22.20 Дилнавоз садолар.
22.35 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олтин нафас». Кийик ҳақида ривоят.
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Компьютер-Осиё».
18.55 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.15 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.20 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.30 «Спорт қитъаси».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 24.00 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Каран». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.40 «Дидар».
20.10 «Жаҳон».
20.30 Кечки сеанс. «Шарпа». Бадиий фильм.
21.30 «Сўз сизга».
21.45 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.55 «Авторейд».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Спорт-тайм».
23.30 В. Пресняков. «Севги, бу...»
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик тароналар.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тамойиллар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.
*
12.00 «Пахтакор»чилар байрами.
12.25 «Финист — сар лочин». Бадиий фильм.
13.40 «Фармон ва ижро».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бозор услублари. Талаб ва таклиф».
18.30 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотира турнири.
18.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур ғори. 2-қисм.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 2-қисм.
22.25 Дилнавоз садолар.
22.45 «Альманах-ТВ».
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 ТВ плюс...
18.50 «Спорт қитъаси».
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.55 Кундалик.
23.00 «Авлодимиз».
23.15 ТВ плюс...
23.30 «Спорт қитъаси».
23.45 «Акс».
00.05 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
00.20 — 00.30 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Чўртанбалиқ амри билан», «Мовий денгизнинг оқ кўпиклари». Мультфильмлар.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Каран». Бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Очиқ дарс».
21.15 «Игротека+оила».
21.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Америкага бир назар».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Рақслар гулдастаси».
8.45 «Альманах-ТВ».
9.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Олот». Премьера.
9.25 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!»
*
11.40 С. Пўлатов. «Оқ сарой». Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг спектакли.
13.30 «Муҳаббат наволари». Мусиқий композиция.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.25 «Шайтон малайлари». Бадиий фильм.
***
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «Навбаҳор» (Наманган). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.
18.50 «Алдар Кўса ва бой». Мультфильм.
19.00 Дилнавоз садолар.
19.05 «Табаррук қадамжолар». Амир Темур ғори. 3-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мавзу».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 ЎзТВ хазинасидан. Самарқанд. Регистон майдони. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар.
22.35 Дилнавоз садолар.
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Алпомиш авлодлари». Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотира турнири.
00.15 Тунги тароналар.
00.30 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.05 «Зерикмай десангиз...»
19.15 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.20 «Спорт қитъаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.50 Кундалик.
22.55 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
23.05 «Зерикмай десангиз».
23.15 «Спорт қитъаси».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20 — 00.30 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Оловли нигоҳ». Бадиий фильм. 1-қисм (АҚШ).
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.55 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Дунё ва болалар».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Тошкентнома».
20.40 «Автосалтанат».
20.50 «Азизим».
21.20 «Ҳамма кўриши шарт эмас».
22.00 Эълонлар.
22.05 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
22.55 «Мезон».
23.25 «Экстремал ўйинлар».
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа масканида бир кун». Премьера.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Тасвирий санъат.
11.00 Алифбо сабоқлари.
*
11.30 «Моҳитобоним, қайдасан». Мусиқий дастур.
12.00 Футбол шарҳи.
12.20 «Чодир жамол». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.30 «Шайтон малайлари жиннлар тегирмонида». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 Дилнавоз садолар.
18.40 Акциядор луғати.
18.50 «Катта танаффус».
19.15 «Омонлик тилаймиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон манфаатлари йили».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.40 «Одамлар орасида».
22.00 «Иймон».
22.20 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 3-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Маком қуйлари.
00.15 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Компьютер-Осиё».
9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.00 «Услуб».
10.10 «Бебаҳо лаҳзалар».
10.20 «Олтин кент».
10.35 «Авлодимиз».
10.50 «Акс».
11.10 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
11.25 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
11.35 «Зерикмай десангиз».
11.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.05 «Яқинроқ тур».
12.35 «Дунё бўйлаб».
13.25 — 15.10 «Кинонигоҳ».
***
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 Оҳанглар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 Кундалик.
21.50 «Сеҳргар». Кўрсатув ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 «Спорт қитъаси».
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Фарғонанинг мовий ҳалқаси», «Ала-Тау гулдастаси». Телефильмлар.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Оловли нигоҳ». Бадиий фильм. 2-қисм (АҚШ).
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 Болалар учун мультфильмлар.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 «Онагинам». Шарофат Тожибоева.
21.10 «02» тўлқинида.
21.25 «Компьютер-ревю».
21.40 «Интер-спорт».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Ракурс».
22.25 «Минг бир маслаҳат».
22.40 «Коктейль плюс».
23.05 «Инспектор Фрост». Телесериал.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Пойтахт концерт залларида.
8.55 «Юзма-юз».
9.15 «Қатта танаффус».
9.40 «Ёшлик» студияси. «Эр давлати элида».
9.50 «Мозаика». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Немис тили.
11.00 Китоб ва ҳаёт.
*
11.30 Ўзбек куйларидан концерт.
12.00 «Замин фидойилари».
12.25 «Ўзбекистон спорти».
12.40 «Энг жозибали, энг латофатли қиз». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 Бизнес ҳафта якунлари.
18.40 «Нима учун?».
18.55 «Синфдош».
19.15 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Қалб гавҳари».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 Дилнавоз садолар.
21.30 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
22.00 «Эртага — шанба».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Йигит омон бўлса». Телемусобақа.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.40 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
10.00 «Дубляж».
10.20 «Жозиба».
10.35 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
11.00 Видео — «О».
12.40 — 13.10 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Камолот».
18.50 «Телевидение ва театр».
19.10 «Ором онлари». Концерт.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
23.00 «Қовун тушди».
23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.10 — 00.20 «Даракчи».

III

17.10 Янгиликлар.
17.15 Эълонлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун».
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Ёш Пикассо». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Рангинкамон».
20.05 «Китоб растаси».
20.20 «Олам ва одам».
20.45 «Маънавият ва ислом».
21.15 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.45 «Қанотлар».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Инспектор Фрост». Телесериал.
23.00 Араб эстрадаси.
23.20 «Латофат».
23.35 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада тароналари.
8.55 «Европа таассуротлари».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ўйла! Изла! Топ!». Телемусобақа.
10.45 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 24-қисм.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.20 «Менга сўз беринг!».
12.00 «Хобби».
12.15 «Саҳоват».
*
12.30 О. Ёқубов. «Авлодларга васият». Ю. Ражабий номидаги Жиззах вилоят театри спектаклининг премьераси.
14.20—15.20 «Маънавият». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 XII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. «Тараддуд».
18.35 «Стадионда учрашамиз».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бизнес-академия».
21.20 Дилнавоз садолар.
21.30 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
22.00 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров.
22.20 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 25-қисм.
22.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Бухоро» (Бухоро).
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.40 «Куй ва тасвир».
23.55 «Мим» салтанати».Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан..»
9.20 «Камолот».
9.35 Телевидение ва театр.
9.55 «Ором онлари». Концерт.
10.10 «Сизлардан ишорат».
10.40 «Қовун тушди».
11.00 «Кинонигоҳ».
12.40— 13.10 «Спорт қитъаси».
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Бугуннинг боласи».
18.55 «Қулги дарғалари». Чарли Чаплин.
19.15 «Жозиба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёҳуд муҳаббат».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 Видео—«О».
23.50 «Спорт қитъаси».
00.15 — 00.25 «Даракчи».

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
18.05 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Жаҳон кўзбойлоқчилари».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Ёш Пикассо». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
22.25 — 22.55 «Янгра, дутор!». Фильм-концерт.

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Кинонинг олтин асри. «Сўнгги аниқланган турар жой». Бадиий фильм.
11.00 Эълонлар.
11.05 «Спектаклдан сўнг».
11.30 «Тақдирлар».
12.00 Шанба эртаги.
13.00 «Болалар дейишади...»
13.05 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.50 — 14.10 Корейс тилини ўрганамиз.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Салом, Франция!».
20.30 «Рақслар қанотида».
21.00 «Болалар дейишади...».
21.05 Эълонлар.
21.10 «Эсдалик учун дастхат».
21.40 «5 дақиқа ўзинг учун».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Хит-коллекция».
22.15 «Бу ажиб дунё».
22.35 Кинонинг олтин асри. «Френч-Канкан». Бадиий фильм (Франция).
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8

МИТТИ ЁҚУТЧАЛАР



ЖОНБАХШ

ҚАДИМ ЎТГАН ЗАМОНДА, форс вилоятида бир бадавлат киши бўлиб, унинг покизалик ва бокиралик пардаси орқасида яширин бир маҳбуба қизи бор эди. Бу иффатли ва малоҳатли қизнинг тим қора сочлари зимистон тунни эслатар, хуснижамолда ягона бўлган жонбахшнинг юзлари ўн тўрт кунлик ойга сабоқ берарди. Бадавлат киши ўз қизини ниҳоятда севар, қизи учун алоҳида боғ ва уй қурдириб, доимо у билан бирга яшар, унинг олдига бирорта инсонни киритмас ҳамда ҳеч кимга ишонмас эди. Бойнинг эса ўргатилган маймуни бўлиб, фақат угина қиз олдида туриши мумкин эди. Маймунга махсус ҳанжар берилган бўлиб, мабодо қиз олдига бегона киши кириб қолса, маймун ҳанжар билан унга ташланиб, ўлдириши кўзда тутилган эди. Қиз турган уйнинг эшиклари эса маҳкам бекитиб қўйиларди...

ДОНО СЎЗИ: БУ ҚЎҲНА РАБОТ ичида то тирик экансан, эҳтиёткорлик ва хушёрликни қўлдан берма. Бу феруза гумбазли осмон тагида то тирик экансан, бировни ранжитмасанг, ўзинг ҳам ҳеч қачон ранжимайсан. Сен дунёга ёмонлик қилиш учун келмагансан, шунинг учун хушинг жойида бўлса, фақат яхшилик қил. Душманлик икки бошли илонга ўхшайди, у ҳар икки томонга ҳам ниш ураверади. Душманлик қилиб, бировнинг бошига қандай кулфат солсанг, шу кулфат бир куни сенинг бошингга ҳам келади!

НАЗМ:

Кишиким ўзини қилиб эътибор,
Такаббур ҳавосида топса қарор,
Етар дахрдан кўп ҳақорат анга
Ким, инсон ичида ҳасорат анга!

ЎҒРИ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, бу вилоятга Хуросондан бири киши келиб қолди. Унинг ҳеч вақоси йўқ бўлиб, очлик ва танглик ҳолатига тушиб қолган эди. Охири ўзига ўхшаш одамни учратди.

— Эй бирадар, очлик ва танглик йўлидан қутулишнинг йўли бор. Фалон деҳқоннинг уйида катта миқдорда буғдой бор, уни кечаси ўғирлаймиз ва ўзга шаҳарга элтиб сотамиз! — деди таниш.

Шу пайт уларга шубҳаланиб қараб турган подшо миршаби бу гапни эшитиб қолди. Уларни қўлга олмоқчи бўлган эди, хуросонлик вақтида қочиб қолиб, шериги эса қўлга тушди. Миршаб ундан:

— Ким бўласан, нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

У эса шоша-пиша:

— Мен ўғриман, шеригим ҳам ўғри эди. Биз фалон деҳқоннинг уйидан галла ўғирламоқчи эдик! — деди.

Миршаб кулди ва ундан:

— Қаерлик бўласан? — деб сўради.

У қалтираб:

— Қазвинлик бўламан! — деди.

Миршаб унга:

— Ақлингни калталиги қазвинлик эканлигингдан далолат бериб турибди. Эй нодон, деҳқон уйидан нима ҳам чиқар эди. Донни ўғирлаб, олиб кетгунингча тонг отади, уни узоққа олиб кетиб бўладими?! Ўғрилик учун бой ва бадавлат одамлар уйига тушилади ва фақат қимматбаҳо нарсаларгина ўғирланади! — деди ярим ҳазил оҳангида.

Бу гапларни қоронғида яшириниб турган хуросонлик эшитиб турар эди. Шеригини миршаб олиб кетгач, ўзига-ўзи деди: «Доно кишилар билан дўстлик яхшидир. Миршаб мен учун ақлли душмандир, ўғри эса нодон дўст. У мени ҳалокатга йўлиқтиришига сал қолди. Миршабнинг гапига кўра мен фалон бойнинг уйига ўғирликка бораман!»

ДОНО СЎЗИ: ҚИМКИ ЯХШИЛИК ЙЎЛИДА уринсаю, бироқ бирорта ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган ном ололмайди. Бу тўққиз равоқ остида яхши деган ном энг буюк иморатлардан ҳам баландроқдир. Қанча-қанча одамлар дунёдан йўқлик сари кетишди, лекин катта-катта биноларни қуриб, айвонига ўз номларини битиб қўйишди. Уларнинг тани тупроққа айланди, аммо яхши деган номи ҳамон ўлмай яшамоқда. Зеро, яхшилик иморати нуқсонлардан ҳоли бўлиб, тирикликнинг офтоби уларни доимо ҳимоя қилиб туради. Сен «яхши» деган номдан иморат тиклашга урин, то одамлар бу иморат деворига номингни «Яхши» деб ёзиб қўйишсин!

НАЗМ:

Дўст билан гар бўлса,
тадбиринг сенинг,
Ёр бўлгай бахту дасттиринг сенинг,
Сен агар манманлигингни ташладинг,
Ўл замон давлат этагини ушладинг!

НОДОН

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, у шу хаёллар билан бойнинг уйи атрофида узоқ айланди. Қиз турган уй ташқарисида чуқур хандақ бор эди. У шу хандақ орқали қиз ва бой ётадиган уй томон ер ости йўли қазий бошлади. Тўрт кун деганда бой ётган жой ёнидан тешиб чиқди ва атрофни қузата бошлади. Шу он уй бурчагида турган маймун, бойнинг устига шифтдан осилиб тушган ўргимчакни кўрди. Газаби жўш урган маймун, бой кўкрагида турган ўргимчакка ҳанжар урмоқчи бўлди. Бироқ, ўғри маймунни тутиб қолишга улгурди ва бақириб деди:

— Бой кўзингни оч, маймун сени ўлдиришига сал қолди!

Бой кўзини очиб қараса, маймун ҳанжар ушлаб унинг устида турибди ва у ўғридан:

— Сен ким бўласан? Бу ерга қандай кириб қолдинг? — деб сўради.

Ўғри бошидан ўтган воқеаларни баён қилди ва ўғрилик учун кирганини айтди. Бой ўйланиб ва бир оз сукут сақлаб унга:

— Нодон дўстдан ақлли душман яхши! — деди ва кўпгина қимматбаҳо буюмлар бериб, уни рози қилди!

ДОНО СЎЗИ: БУ ДУНЁ корхонасида шундай йўл тутки, кийган кийимиинг ва еган овқатинг ҳалолдан бўлсин. Жигаринг қонидан нон топиб е, аммо, текин нон учун дарбадар ит каби бировларнинг эшигига ялиниб борма. Агар сен пасткаш одамлардан ҳам пастроқ бўлсанг, у пайтда ўзингга ўхшаганлар қўли остида хор бўласан. Сен одамлар билан шундай муомалада бўлки, токи улар сени жондилдан севиб қолсинлар. Ҳижолатда қолмай десанг, манманлик қилма, бошқаларнинг кўнглидан жой олай десанг, хушчирой бўл. Хушмуомалалик билан одамларнинг юрагига кириш ва катта-кичикни ром этиш мумкин!

НАЗМ:

Жонингга қасд қилган душманинг
доно
Бўлса, нодон дўстдан минг марта аъло!
Нодон қилган ишнинг барчаси зарар,
Фойдаси бўлса ҳам эрур бесамар!

ҲИКМАТ: КИСРОНИНГ ХАЗИНАСИДАН қуйидаги тўрт сатр ёзилган лавҳани топиб олдилар. Унда шулар ёзилган эди: «Ҳар кимнинг илми бўлмаса, обрўйи бўлмайди, ҳар кимнинг дўсти бўлмаса, кучи бўлмайди, ҳар кимнинг фарзанди бўлмаса, кўзининг нури бўлмайди, ҳар кимнинг яхши хотини бўлмаса, тинчлиги бўлмайди!»

МУРОД: МАНА, АЗИЗЛАР! Ёмон дўстнинг зарари ва яхши дўстнинг фойдаси, нодон ва оқил дўстлар аҳволи ҳақида ҳикоя қилдик. Кўрдингизми, хуросонлик ўғри бўлсада, унда донолик ва одамийлик гавҳари бор эди, шу туфайли фойда кўрди. Маймун ўзини бой ва унинг қизини ҳақиқий дўсти ҳисобласада, нодон эди, шунинг учун унинг терисини шилиб олдилар. Эй бирадарлар, юқоридагилардан мурод шулким, сиз доимо оқил ва доно кишилар билан улфатлик йўлини қидиринг. Ҳар қандай жохил ва нодон дўстликка арзимайди!

САБОҲ: БИРОВДАН ОЗОР ТОПГАН киши уч ҳолдан ташқари бўлмайди. Аввалги ҳол: унинг ёмонлиги баробарида яхшилик қилади, бу — олижаноб хислати. Иккинчи ҳол: унинг ёмонлиги баробарида яхшилик қилмаса ҳам, унга ёмонлик соғинмайди, бу ҳақиқатгўй одамлар хислати. Учинчи ҳол: ёмонлик баробарида унга ёмонлик қилади, бу фосиқлар хислатидир. Ёмонлик қилган кишига яхшилик қилиш, қила олмаса афв этиш гўзал хислатлардан саналади!

АЛҚИССА:

Кимки истар халқ аро бўлгай омон,
Яхшилик қилсин, сира кўрмас зиён!

БАҲОДИР ВАЛИЕВ
тайёрлаган.

ПАРВОЗ ЭТ, «ХУМО»

...ШУ КУНИ Чиноздаги ҳунар лицейининг катта зали ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Ўқувчилар девордаги «Қўшиқ ва кулги кечаси» деб бошланувчи эълон қошида бир зум тўхтаб ичкарига шошардилар. Ёшлар ўз ўринларини эгаллаб, саҳна пардасининг очилишини кутишмоқда.

Қўшиқ ва кулги кечаси бошланишидан аввал биз саҳна ортига ўтдик. Бу пайтда саҳна қизғин иш майдонига айланган. Овоз оператори ўрнида ўтирган йигит чолғучиларга имо-ишора қилиб, мусиқа овозларини созлайди. Хонандалар ўзларини тартибга келтириш билан банд. Гуруҳ раҳбари, Олмазор қўрғони маданият уйи директори Қурбон Йўлчиев хонанда Дилмурод Холматов билан қизғин ижодий баҳсга киришган.

— Дастурни иложи борича қизиқарли, ёшларга мос чиқишига интилиш керак. Қаранг, сўнгги ўзгартиришларни мана ҳозир киритдик, — қўлидаги қоғозларга ишора қилади «Хумо» гуруҳи раҳбари.

Дастурни олиб борувчининг овози суҳбатимизни бўлди.

Биз саҳнани тарк этдик. Парда очилиб, қўшиқ бошланди. Қўшиқни хонанда Тоҳир Маннопов ижро этарди. Унинг муҳаббат, ёшлик ҳақидаги замонавий қўшиқларини томошабинлар олқиш билан қутиб олдилар. Ёш хонанда Санжар Имомов эса «Катта довон сари» қўшиғи билан саҳнага чиқди:

Агар ёқса элга овозим,
Кенг даврада янграса созим.
Бошимни силаса устозим,
Катта довон сари борурман.

Қўшиқ шеъри ва мусиқасини Санжарнинг ўзи ёзган. У ўқувчилик йилларида гоҳ мусиқа билан шуғулланар, гоҳ шеър, ҳикоялар машқ қиларди. Ва ниҳоят ўзи севган бу икки йўналишни бирлаштиришга — янги қўшиқлар ижод этиб ўзи ижро этишга интилмоқда.

«Хумо» гуруҳи фақат ёшлардан иборат. Шулардан бири қизиқчи актёр Сайдулла Тиллаев. Унинг ижросидаги «Тошкентга саёҳат» интермедияси, фарғонача ҳангома ва пайровлар доимо томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Кеча тугагач, ҳунар лицейи тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Тоҳир Меҳралиев билан учрашдик.

— Дастур ёшларга мўлжалланган экан. Ўқувчиларимиз чин дилдан маданий дам олдилар, — дейди Тоҳир Меҳралиев. — Тез-тез ана шундай қўшиқ ва кулги кечалари бўлиб турса ўқувчиларимиз албатта хурсанд бўладилар. Улар бўлажак ҳисобчи, тикувчи, ошпаз, механизаторлар, пайвандчилардир.

«Хумо» дастасининг ташкил этилганига уч йил бўлди. Бу даврда унинг аъзолари тинимсиз изландилар. Айни пайтда улар республика миқёсида ўтказиладиган қўшиқ байрамида иштирок этиш учун ҳозирлик кўришаётир. Уларнинг янги дастурларидан мустақил Ўзбекистонга муҳаббат, улуғ ўтмишдошларимизга садоқат руҳидаги қўшиқлар ўрин олган.

Орзиқул МАЪМУРОВ.

СУРАТЛАРДА: туман ҳунар лицейида бўлиб ўтган қўшиқ ва кулги кечасидан лавҳалар.

Суратларни А. РАҲИМОВ олган.

Жиноят ва жазо

«ОНАМНИ МЕН ЎЛДИРДИМ»

дейди ўғил кишан солинган қўлларини деворга уриб

НУРИЯ опа уйида зерикавергач, кўчага чиқиб ўтиришни одат қилиб олган. ўтаётган поездларга қараб уруш хотираларини ёд олади...

Ўшанда қиш эди. Ярадорлар ортилган эшолон ўрмонзор оралаб борарди. Бир пайт қўққисдан немислар пайдо бўлди ва отишмалар бошланди. Машинист ҳалок бўлди, поезд тўхтади. Ҳарбий ҳамшира Нурия Саримсоқова ўрмонга қочиб, яширинишга улгурган эди. Унинг кўз ўнгида бир неча ярадорни уриб, савалаб ўлдиришди, яна беш-олтитасини эса тириклайин ўтга ташлашди. Дугонаси Марияни қип-ялангоч қилишиб, кулишди, кейин савалашди...

Бу мудҳиш воқеа Нурияни гангитиб қўйганди. У не азоблар билан уч кун деганда қишлоққа кириб келдию, хушидан кетди.

Касалманд бўлиб қолган Нурия Саримсоқовани ортақишлоғига қайтариб юборишди. Уч фарзанд онаси бўлди. Каттаси йирокда, кейингиси ва кенжаси темир йўлда ишлашади. Тўнғичи ва ўртанчаси ҳаётидан нолимайди. Кенжаси Рим етти марта уйланди, бахтсиз. Охиргиси ҳам ота-онасиникига кетиб қолганига икки ойдан ошди. Рим ҳар куни йўл пойлайди. Наргизадан хабар йўқ. Эрталабки, кундузги «Тошкент -Ангрен» поезди Кучлук станциясида тўхтаганида, йигит узоқдами, яқиндами, югуриб келади. Йўловчилар ичидан Наргизани излайди.

Иссиқ-совуғидан хабар олгани келган ўғил — Мансур онасини уйига олиб кетади. Икки-уч кундан кейин она поезд бекатига чиқадида, инқиллаб-синқиллаб яна жигаргўшаси — кенжа ўғли Римникига қайтади. Касалманд она ўчоқ ёқади, кир ювади, фарзандига чой тайёрлайди. Саксондан ошган кампирнинг ҳар куни шу зайлда ўтаётган эди...

...1996 йил 29 август куни. Рим одатдагидек ишга эрта отланди. Тушдан кейин Тошкент темир йўли Кучлук станцияси бригадири Шамил Асилов Римга «одамгарчилик» қилиб, ошхонага таклиф қилди. Икки ҳамтовоқ — бригадир ва ишчи бир шиша винони симиришди.

Кайфи ошган Рим Саримсоқов гандираклаб, бошпанаси — Кучлук қишлоғи, Бобур кўчаси 9-уйга кетди.

— Уйда онам мени сабабсиз қарғай бошлади, — дейди Рим Саримсоқов судда айбларини бирма-бир сўзлаб берар экан. Мен онамнинг сўзларига чидай олмай, унинг юзига, қорин қисмига, кўкрагига, биқинига мушт туширдим. Онам ёлвориб, «ўғлим, урма, ўлдириб қўясан, мен кекса касалманд одамман», — деди. Маст бўлганлигим учун бу гаплар қулоғимга чала-чулпа кирди. Ошхонада ўқлов таёғини олиб келиб, оёқ, қўлларига урдим, қон отилиб чиқди. Онам инграб ерга йиқилди. Шовқин-сурон овозидан қўшниларимиз Ҳайдар, хотини Таня, Баҳодирлар югуриб чиқишди. Уларга «Ҳаёт жонимга тегди, мажбур бўлганимдан шу ишни қилдим», — дедим. Онамни мен ўлдирдим, қилган ишимдан пушаймондаман...

— Онам билан укамнинг илгари бундай жанжаллашганининг устидан чиқмаганман. Онам гоҳ бизникида, гоҳ укамникида яшарди. Худодан онамга умр сўраб, юзга тўласиз, деб ният қилардик. Укам онамнинг қотили бўлиб чиқди. У Римни биздан кўра яхшироқ кўрарди. Афсус, — дейди ака Мансур Маҳсудов.

Ҳа, онахон 82 ёшида фожеали ўлди. Уни ўз ўғли ўлдирди. Қачонки, бригадир Шамил Асилов «одамгарчилик» қилиб вино қуйиб бермасдан, Римга яхши панд-насиҳатлар қилганида, эҳтимол, бу воқеа содир бўлмаслиги мумкин эди. Шамил ака судда «билганимда эди» деган баҳона билан қутулиб қолди. Бироқ, вилоят суди Кучлук станциясидаги жамоада меҳнат интизоми издан чиққанлиги, мансабдор шахслар томонидан ички-биқиклик-бозлик ташкил этилаётганлиги ва бригадир Ш. Асиловнинг масъул вазифага номуносиб ҳатти-ҳаракатларига чора кўриш учун ажрим чиқарди.

Ҳар бир бузуқликнинг, жиноятнинг, қотилликнинг онаси-ичкиликдир, қаровсиз қолган ёрда экин-тикин битмагани каби тарбиясиз, жоҳил одам камолотдан маҳрум бўлади.

Тошкент вилояти суди аъзоси Зуҳра Эрматова раислигида ўтган судда жиноятчи Рим Саримсоқов энг олий жазо — ўлимга маҳкум этилди.

Ҳикматилла НАЗАРМЕТОВ,
Ўртачирчиқ туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.
Усмонали ҲАМИДОВ,
вилоят суди маслаҳатчиси, журналист.

Об-ҳаво

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар қилишларича 5-9 апрель кунлари ҳаво асосан очиқ келади. Фақат 9 апрелга бориб қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши, момақалдироқ бўлиши кутилмоқда.

Кечалари ҳаво ҳарорати 7-12 даража, кундуз кунлари эса 21-26 даража иссиқ бўлади. Чоршанбада кундузи ҳаво ҳарорати бироз пасайиб, 15-20 даража атрофида бўлади.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

Футбол

МУҲЛИСЛАР МАДАДИДАН РУҲЛАНИБ

ЗАНГИОТА туманидаги Убай Мусаев номли ўйингоҳ анчадан бери бунчалик гавжум бўлмаган эди. Ҳувиллаб қолган бу спорт мажмуига қайтадан жон кирди. «Лочин» жамоаси ўтган йили вилоят биринчилиги баҳсларида ғолиб келиб, даъвогарларнинг якунловчи учрашувларида биринчи табақада ўйнаш ҳуқуқини берадиган йўлланмани қўлга киритганидан сўнг, туман спорт мутасаддилари ва раҳбарларининг «ташвиши» ҳам ортди. Ўйингоҳни мамлакат биринчилиги талаблари даражасига келтириш лозим эди. Қайта таъмирланган ўйингоҳни кўриб, хурсанд бўлдик. Усти ёпилган ўриндиқларда муҳлислар эрта баҳор ва кузда бўладиган ёғингарчилик кезларида ҳам бемалол учрашувни томоша қилишлари мумкин. «Лочин» жамоасини ҳомийликка олган тумандаги нон заводи корхонаси маъмурияти ва клуб президенти Лутфулла Убайдуллаевнинг ҳам хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Мазкур ўйингоҳда мавсумнинг дастлабки босқич беллашувида вилоятимизнинг икки — Зангиотанинг «Лочин» ва Қибрайнинг «Роҳат» жамоалари баҳслашдилар. Қибрайдан ҳам ўйинни кўргани кўплаб муҳлислар ташриф буюрдилар. Жамоа сардорлари Дилмурод Абдуллаев билан Юрий Қосимовлар биринчилик байроғини кўтаришларидан олдин Зангиота туман ҳокими Ҳасан Нурматов, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситовлар спортчиларга омад тиладилар.

Ҳар иккала жамоа ҳужумчилари биринчи бўлимда қанчалик ҳаракат қилишмасин, ҳисоб очилмади. Бир марта меҳмонлар қулай имкониятни бой бердилар. Дарвозабон Ҳасан Рўзиевнинг хатосини ҳимоячи Виктор Калинин тузатди, у бўш дарвозага кириб кетаётган тўпни қайтариб қола олди. Иккинчи бўлим бошланиши биланоқ майдон эгалари ҳужумчиси Миржалол Аъзамов марказдан ёриб кириб, 16-17 метрлар чамасидан бурчакка тепган тўпини меҳмонлар дарвозабони Александр Семенов ушлаб қололмади. 1:0. 80-дақиқада Ғайрат Одилов (11 метрдан) иккинчи тўпни киритди. Муҳлислар мададидан руҳланган майдон эгалари 2:0 ҳисобида дастлабки ғалабага эришдилар.

Туман ҳокимлигининг энг яхши ўйинчилар учун таъсис этган совринларига М. Аъзамов, Ю. Галкин ва Б. Бакановлар сазовор бўлишди. Учрашув олдидан ва танаффус пайтида хушовоз хонанда Ҳожиакбар Ҳамидов хизматда бўлди.Биринчи табақа жамоаларининг дастлабки босқич ўйинларида асосан майдон эгалари устун келдилар. Муҳлислар мададидан руҳланган саккиз мезбон жамоа ўз ҳисобларига дастлабки учтадан очко ёзишди. 11 та учрашувнинг атиги биттасидагина меҳмонлар устун келишди. Икки ўйин натижасиз тугади. Биринчи босқич учрашувлари натижалари билан танишинг: «Шўрчи» — Шаҳрихон» — 0:0, «Шўртон» — «Пахтаобод» — 3:0, «Металлург» — «Тўқимачи» — 3:0, «Бўкалик» — «Навбаҳор—2» — 3:1, «Истиқлол» — «Кимёгар» — 2:1, «Темирйўлчи» — «Орол» — 2:1, «Боғдод» — «Хива» — 3:0, «Машъал» — «Прогресс» — 0:0, «Дўстлик» — «Ситора» — 1:2, «Гулистон» — «Зафар» — 2:1.

Иккинчи босқич учрашувлари бугун ўтказилади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ДИҚҚАТ!

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти давлат мулк қўмитаси ва Тошкент вилоят кўчмас мулк биржаси Чиноз туманининг Эски Тошкент қўрғонидаги Улуғбек кўчасида жойлашган ер майдонларини ким ошди савдосига қўяди.

Ер майдонларнинг сони	Ҳар бир ер майдонининг сатҳи, кв. м.	Ҳар бир ер майдонининг бошланғич нархи, сўм
6та	600.0	14400.0

Ким ошди савдоси Чиноз тумани ҳокимлиги биносида 1997 йил16 апрель куни соат 11.00да бўлади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги 15-ўрта мактаб томонидан Умарова Зоҳро Марибовна номига берилган 013487 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Дам олиш соатларида

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзлар уч ҳарфли бўлиб шаклда рақамли айланалардан «занжир» ҳамда кесишган ҳолда йўналиш бўйича ёзилади.

1. Ялпоқлари дамланиб ичиладиган жанубда ўсувчи доимий яшил бута ўсимлиги. 2. Ер шарининг қуёш атрофида айланиб чиқиши учун кетадиган вақт бирлиги. 3. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган, бўрттирилган гап. 4. Тошкентдаги нашриётлардан бири. 5. Дунёда энг азиз неъмат. 6. Еруғлик манбаидан таралган зиё, ёғду. 7. Дурадгорлик маҳсулоти, ойна ўрнатилмаган дераза. 8. Ақлий спорт ўйинида шохнинг рақиб донаси ҳужумидан ҳимоя тополмай қолган ҳолати. 9. Тотли меваси эртапишар, барглари ипак қурти учун озиқ бўладиган жануб дарахти. 10. Миллий мусиқа асбоб тури. 11. Шохмот ўйини донаси. 12. Қадимда шарқ мамлакатларидаги мутлақ ҳокимлик унвони. 13. Африка қитъасидан оқиб ўтувчи дунёда энг узун дарё. 14. Араб алифбосидаги ҳарф. 15. Йил ойларидан бири. 16. Асосан денгиз ўсимликларидан олинадиган тўқ қул ранг кимёвий модда ва унинг табобатда қўлланиладиган эритмаси. 17. Инжунинг, гавҳарнинг йирик тури. 18. Замонавий мусиқа тури. 19. Немис олими, кашфиётчи, микробиология фани асосчиларидан бири, Нобель мукофоти номзоди. 20. Йўқотилган ёки тортиб олинган нарса учун тўланадиган ҳақ, товон. 21. Меваси сершира, танаси қаттиқ дарахт. 22. Амир Темур ўғитларидан.

Фозилжон ОРИПОВ.

БОШКОТИРМАЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

11 ЯНВАРДА БОСИЛГАН ТОПКИРЛИК МАШКИ

Диагонал бўйича чапга: 2. Кўчим. 4. Кўсак. 6. Кийик. 7. Қашак. 9. Кўчат. 11. Купер. 13. Кигиз. 14. Кошин.

Диагонал бўйича ўнгга: 1. Кўрик. 3. Кўкат. 5. Кичик. 6. Катак. 8. Кўмир. 10. Кубок. 12. Калий. 13. «Келин».

22 ФЕВРАЛДА ЧОП ЭТИЛГАН МУАММОНОМА:

Очқич: 1. Самарқанд. 2. Халқ. 3. Рисола. 4. Ғурур. 5. Юрт. 6. Байт. 7. Кўшк. **Ҳикмат:** *Кимки тўғри йўлда юрмоқ иши,*
Арслондан ҳайбатлироқ ул киши.

25 ЯНВАРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ШАҲАРЛАР» МАШКИ:

Белгиланган хонадан соат мили бўйича: 1. Хива. 2. Киев. 3. Вена. 4. Лион. 5. Мари. 6. Адан. 7. Боку. 8. Брно. 9. Нисо. 10. Берн. 11. Сеул. 12. Балх. 13. Бонн. 14. Сано. Шакл атрофида: 15. Китоб. 16. Брест. 17. Талас. 18. Сиэтл. 19. Лагос. 20. София. 21. Яйпан. 22. Ндола. 23. Афина. 24. Анапа. 25. Асвон. 26. Норак.

Марказда, Анҳор ёқасидаги 4 қаватли уйнинг 1-қаватидаги 3 хонали квартира

СОТИЛАДИ.

Тел.: 45-77-44.

Тошкент вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Зоҳид Солиҳовга опаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Кумри ОБИДОВАнинг

вафоти муносабати билон чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.*

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 13.826 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 17.30. 1 2 3 4 5 6